

**Темир йўл транспорти***Д.А.Гуламова ТТЙТ махсус фан ўқитувчиси**Г.И.Кинджаева ТТЙТ махсус фан ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ўзбекистон Республикаси темир йўлларининг юқори суръатлар билан ривожланиши истиқболлари темир йўл қон томирининг Республика тарвққиётига қўшган ўрни хусусида.

**Калит сўзлар:** Темир йўл транспорти, поезд, инфратузилма, “Тошғузур-Бойсун-Қумқўрғон”, “Мароқанд-Қарши-Бухоро”, “Бухоро-Мискен”, темир йўл линияси.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси юқори суръатлар билан ривожланаётган давлатлар қаторига киради. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бери урф-одатлар янгиланмоқда, қадимги миноралар ва сунъий иншоотлар тикланмоқда. Ўзбекистоннинг транспорт инфратузилмасини ривожланишида бир вақтлар Ғарбни Шарқ билан боғлаб турган Буюк Ипак йўлини тиклашнинг аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон темир йўллари анча ривожланган. Шуни билиш керакки, Ўзбекистон темир йўлларни қуриш ишлари кенг қўламда амалга оширилган Марказий Осиёдаги давлатлардан деярли ягонасидир. Ўзбекистон ҳукумати темир йўл тизимини тиклашга катта моддий маблағлар ажратган. Нукус, Урганч ва Учқудук шаҳарлари ўзаро янги темир йўллар билан боғланган. Асосий темир йўлларимизнинг жами узунлиги деярли 7000 километрни ташкил этади.

Шунинг учун автомобил ва темир йўлларни, шу жумладан кўприкларни қуришга катта эътибор қаратилади. “Тошғузур-Бойсун-Қумқўрғон”, “Мароқанд-Қарши-Бухоро” темир йўл линияси, “Бухоро-Мискен” янги темир йўл линияси Тошкент халқа автомобил йўли (ТХАЙ), “Ангрен-Поп” янги темир йўл линияси, Тошкент – Самарқанд – Қарши юқори тезлик темир йўли қурилган.

Мамлакатимизда архитектура ва қурилиш соҳасидаги амалга ошириладиган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари халқимизга аввало фарзандларимизга ҳеч кимдан кам бўлмаган имкониятлар яратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли ва “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли, “Автомобиль йўллари кўприкларини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни қуриш ҳамда фойдаланишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 4 октябрдаги ПҚ-3309-сонли, “2018–2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида автомобиль йўллари кўприкларини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш бўйича Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 29 мартдаги ПҚ-3632-сонли, “Йўл соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ-4545-сонли қарорлари бу борадаги ишларни янги босқичга қўтаришда муҳим дастурламал бўлмоқда.

Юртимиз Президенти таъкидлаб ўтганларидек, “умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини ривожлантиришни 2017-2021 йилларга тузилган Дастурини амалга ошириш орқали ҳозирнинг ўзида Республикаимизни барча ҳудудлари орасида йил давомида узлуксиз мустаҳкам транспорт алоқаси таъминланмоқда, юк ва йўловчиларни узлуксиз равишда қўшни давлатлар чегараларини кесиб ўтмасдан ташишга шароитлар

яратиб берилмоқда, худудимиз бўйлаб юклар транзитини кескин оширишга имкон яратилмоқда”. Шу билан бирга, темир йўллардаги бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Ўзбекистонда жадаллик билан бино ва иншоотларнинг қурилиши, ҳамда турли хил иншоотлар лойиҳаланиши амалга оширилмоқда, булар қаторига темирбетон тўсинли кўприклар, йўл ўтказгичлар, виадуклар, ер ости ва усти метрополитенлари каби кўплаб сунъий иншоотлар ҳам киради.

2019 йил маълумотларига кўра “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидаги сунъий иншоотлар қуйидагича: асосий йўллар бўйича 1380 та кўприк (темирбетон – 1307 та; металл – 48 та ва аралаш – 25 та)ни ташкил этади. Темир йўл тоннеллари 26 та, пиёдалар тоннели 10 та, пиёдалар кўприклари – 39 та, галереялар 5 та, акведуклар 4 та, қувурлар 4420 та, лотоклар – 386 та, дюкерлар – 245 тани ташкил этади. Кўприкларнинг умумий узунлиги 41 км яқин.

Йўлўтказгичлар, кўприклар ва транспорт кесишмаларига эга янги замонавий автомагистраллар нафақат пойтахтимизда, балки бутун мамлакатда бунёд этилган. Мисол тариқасида фақатгина иккита объектни келтириш мумкин. Тошкентда қурилган Кичик ҳалқа йўлига вақтни тежаб, қулай шароитда керакли маршрутлари бўйича ҳаракатланиш имкониятига эга бўлган пойтахт аҳолиси, ҳамда келган меҳмонлар, автомобил ҳайдовчилари ва йўловчилар юқори баҳо берганлар. Ишга туширилган Қамчиқ доводидан ўтган темирйўл магистрალი эса авваллари асосан Тожикистон орқали транзит йўли билан бориш мумкин бўлган ва мамлакатимиз аҳолисининг 1/3 қисми яшовчи Фарғона водийсига қатнов қулай, қисқа муддатли ва хавф-хатарсиз бўлишига имкон яратди.

Ҳозирги вақтга келиб Ўзбекистон Республикасининг умумфойдаланиш йўлларида 7000 дан ортиқ автомобил йўллари кўприклари эксплуатация қилинмоқда. Автомобиль йўлларидаги кўприк иншоотларининг умумий сони 14331 тани ташкил қилади, жумладан халқаро аҳамиятдаги – 604 та, давлат аҳамиятидаги – 2722 та, маҳаллий аҳамиятдаги – 4302 та, Шаҳар ва кишлоқ ички йўллари – 6703 тани ташкил этади. Маълум бўлганидек, Республикамизда кўприкларнинг аксарияти темирбетон кўприклардир [7].

Ҳар йили деярли 200 км йўллар қурилади ва реконструкция қилинади. Бундай қилинаётган бунёдкорлик ишлари негизи давлатимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик, ризолик, халқимизнинг улкан потенциали, унинг эртанги кунга бўлган ишончидадир. 2021йилга қадар бўлган муддат ичида Тошкент шаҳрида 12 автомобил йўллари йўлўтказгичларини қуриб битириш масаласи қўйилган эди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон худудининг кўп қисми сейсмик жиҳатдан хавфли. Шунинг учун транспорт иншоотлари қурилишига жуда катта талаблар қўйилиши лозим.

Сейсмик худудлардаги турли иншоотларни лойиҳалаш, ҳисоблаш ва эксплуатация қилиш борасидаги катта ютуқлар мавжудлигидан қатъий назар, умумий зилзилабардошлик назариясига нисбатан кўприклар зилзилабардошлиги назарияси анча орқада қолган, чунки зилзилалардан талофот кўрган худудлардаги иншоотлар шикастланишларига кўра кўприклардаги шикастланишларнинг улуши кам бўлади, бу эса сейсмик худудлардаги қурилиш ишларида асосий эътибор турар-жой ва саноат биноларини зилзилабардошлигини таъминлаш масаласига қаратилишига олиб келади.

Кўприкларни сейсмик таъсирларга ҳисоблашда ҳисоблаш схемаларини белгилаш бўйича мавжуд тавсияларда кейинги 15 йил ичида юзага келган кўп поғонали лойиҳалаш, ҳамда сейсмоизоляция ва сейсмик сўндириш тамойилларига асосланган

кўприкларни зилзилабардошлигини кучайтириш учун қўлланиладиган янги конструкциялар эътиборга олинмаган.

Турли хил сейсмоҳимоялаш қурилмаларидан кенг қўламда фойдаланиш жараёнида кўприкларни сейсмоизоляциялаш кўрсаткичларини энг мақбулларини танлаш ва асослаш бўйича тадқиқот ишлари деярли олиб борилмайди, гарчи зилзила вақтида сейсмоизоляцияланган кўприклар ҳолати сейсмоизоляцияланган бинолардан анча фарқланадиган бўлса ҳам.

Транспорт қурилиши соҳасида, жумладан, уларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишдаги темир йўлларини ривожлантириш ва ушбу йўналишда етук кадрларни етиштириш бўйича қарорларини амалга ошириш олдимизда турган улкан вазифадир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1.Djabborov S.T. (2016) Prospects for raising passenger train speed on the reconstructed section of the Uzbekistan railways. \transport problems. Vol.11. №4

